


“Тасдиқлайман”
“Қашқадарё сув таъминоти”
МЧЖ бош муҳандиси

Т.Якубов.
“ 8 ” 11 2022 йил.

ИЧИМЛИК ТАРМОҚЛАРИ ВА ИНШООТИ ҚУРИЛИШИ

ТЕХНИК ШАРТ № 245

Буюртмачи: Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси.

Иншоотнинг номи: Яккабоғ туман “Нурли йўл” маҳалласида ичимлик сув тармоқлари қурилиши.

Манзили: Яккабоғ туман “Нурли йўл” маҳалласи.

I. ИЧИМЛИК СУВИ ТАРМОҒИГА УЛАНИШ БУЙИЧА.

1. Ичимлик сув тармоғига уланадиган жой: “Нурли йўл” маҳалласини ичимлик сув билан таъминлаш учун, худудда гидрогеологлар хулосасига асосан, янгидан артезиан кудук қазиш ва тўлик жихозлаш, мавжуд артезиан кудукларни реконструкция қилиш, қазиш, кудуклар атрофини санитар химоя зонаси билан ўраш, бактериоцид қурилмаси ўрнатиш, ободонлаштириш, ичимлик сув тармоқлар тортиш лойихада аниқлансин.

2. Уланадиган ичимлик сув қузури диаметри: Гидравлик ҳисоб-китобга кўра аниқлансин.

3. Истеъмолчи ичимлик сув тармоғига уланган нуктага кузатув кудуғи қурилсин ва зулфин (задвижка) ўрнатилсин.

4. Уланиш нуктасига замонавий сув ўлчаш асбоби ўрнатилсин (уланган нуктага ва ҳар бир хонадонга).

II. Қўшимча шартлар.

1. Лойихалаштирилаётган ичимлик сув тармоғи чуқурлиги ва ўрни топотасвир ёрдамида аниқлансин, тармоқ чуқурлиги ва ўрнини белгилашда мавжуд ичимлик сув тармоқларининг жойлашуви ва чуқурликлари инобатга олинсин.

2. Ажратилган ер майдонида қурилиш даврида ёнидан ўтувчи ичимлик қувурларини муҳофаза зонасини сақлаш шарт.

3. Техник шарт лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаш учун берилди.

4. Ичимлик сув қузури тармоғининг тайёрланган дастлабки ЛСХ “Қашқадарё сув таъминоти” МЧЖ билан келишилсин.

5. Техник шартнинг амал қилиш муддати берилган кундан бошлаб икки йил.

Асос: “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси Қашқадарё вилояти филиалининг 25.10.2022 йилдаги №782-сонли ҳаги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 апрелдаги №408-сонли қарори, Яккабоғ туман сув таъминоти филиалининг 31.10.2022 йилдаги техник хулосаси.

ИЧТБ бошлиғи



К.Қўйбоқоров